



8-июнда отамизнинг иш столида конвертга солинган бир хат пайдо бўлиб колди. Унда дадамларга истеъфо беришни таклиф қилиб: “Халк нодон, сизнинг холис хизматларингизга тўғри баҳо бермай, сизга зиён етказиб қўйиши мумкин. Шунинг учун сиз истеъфо берсангиз, ўзингиз омон коласиз. Шу сабабдан бизлар сизни огоҳ-лантириб қўйдик”, деган ва шунга ўхшаш нарсалар. Бунинг, албатта, коммунизм эътиқодчиларига консул томонидан берилган кўрсатмалиги аниқ, аммо буни кимлар ижро қилганини билишимиз керак эди. Шунинг учун мен, Косимжон Камбарий, Кушан қорилар бўлиб, буни текширганимизда хат Имин махсумнинг қаламига мансуб бўлиб, мазкур хат Хошир Воҳид томонидан идорага олиб қирилган деган хулосага келган бўлсак-му, аммо ичкаридаги столга ким олиб қириб қўйди деган савол анча ўйлантириб, кейин бу ҳам маълум бўлди. Хатни отамизнинг Бақир деган махсус кўрикчиларидан бири намозга чиққанларида столга қўйган. Шунинг билан бирга Урумчидаги афандиларга ёзган хатларининг асл нусхасининг йўқолиб қолиши ҳам тасодифий бўлмай, буни ҳам коммунизмчилар қилгани маълум бўлди. Чунки советпарастларнинг консул томонидан уюштирилган мажлисларида “Бизнинг бошлиқдаримизда пантуркистлар билан ҳамкорлик қилиш гоёси пайдо бўлиб, шу асосда қилган ҳаракатлари бизга маълум. Шунинг учун биз бунга қатъиян қаршимиз!” деб бақиринларининг сабаби шу эди.

Совет консули мана шундай оғир сиёсий вазиятларни сунъий йўллар билан юзага келтириб, ўз хунари фитна-фасод йўли билан халқлар бирлигини бузиб, мансаблар тайин қилиб малайларини ишонтирди. Бу соҳада Урумчида энг маккор, ватанфуруш жосус Бурҳон афанди шу вақтдаги совет Бош консули Қозловнинг энг ишонган одами эди. Бу қабилар ёрдамида озод Шарқий Туркистон ҳукуматини сотиб, унинг эвазига совет ва Хитой фойдасига ишлайдирган ясама ҳукумат қурилади. Ва ниҳоят,

совет 1946 йил 13-июнда отамизга ва барча Шаркий Туркистон халкига хиёлат ва алдовлар қилиб ўғирлаб кетди. Шу куни соат 3 ларда мени “Иккинчи уйга чақирди. Борсам, Владимир Степаиович Козлов ўз иш столида ундан анча нарида Исхоббек ўтирган экан. Мен ҳам харбий бўлганим учун харбийча салом бериб тик турдим. Бу вақтда Козлов ёнидан бир парча хат чиқариб менга узатиб: “Бу дадангизнинг хати, шунга амал қиласизлар деди. Сўнгра “Ха шаҳарда қим бор?” деб сўради. “Шаҳарда ҳеч қим йўқ”, деган эдим, “Ҳақимбек қаерда, шуни Исхоббек билан бориб, олиб қелиб қўйиш керак, хар холда у ҳам муовин раис-ку!” деб, менга жавоб берди. Хатда эса: “Ўғлим Асилхон, мен ватан фойдаси учун 5-10 кун кечикиб қолишим мумкин. Шунинг учун мендан хотиржам бўлурсизлар. Бу ҳақда ўзимизнинг аъзоларимизни ҳам секин хабардор қилиб, шивирлаб қўярсан деб, отанг Алихонтўра. 13-июнь 1946 йил” дейилганди. Шунинг билан минг бир хаёллар билан идорага келсам, Аҳмад афанди, Абдурауф махсумлар югуриб қелиб: “Нима гап?” деб сўрашганда, мен хатни ўқиб бердим. Шунинг билан Махсум аканинг кабинетидида бошқатдан ўқишиб, хайрон бўлган қиёфада бир-бирларига қарашиб, хатни менга беришди.

Отамизга ёзилган “истеъфода қикинг” деган мазмундаги хатнинг пайдо бўлишидан бир кун илгари Аҳмад афанди, Абдуқаримлар Урумчига ўқиб кетган бўлса ҳам, Аҳмад афанди 13-июнда яна пайдо бўлиб қолди. Чамаси, Урумчидаги мавқелари ўзларига тор қолди-ёв, хар холда Абдуқарим ҳам 15-июнда Гулжада бўлди. Мана шу жараёнда Ҳақимбекхўжа ҳам қелиб ўртада торончилар ҳоқимияти қурилиб, “мурод-мақсад” ҳосил бўлди. Шунинг билан бирга мақитларга хатлар юборилиб, отамизнинг қойиб бўлганидан ҳавотир қилиб, халқни оғох бўлишга чақирган варақалар тарқатиб турилган бўлса ҳам, Шаркий Туркистон жумҳуриятининг қонуний раисини бундай ҳоинларча олиб қочилишига қарши ташқилий бир ҳаракат бўлмади.

Аммо шу орада Қосимжон Қамбарий газетага бир шеър ёзиб чиқарди. Бу шеърнинг эсимда бори шу:

“Булбул қамандин ўқди, бевақт, тонг отмасдин,
Гул-гунчалар очилгайму, мол-варанглар(Мол-варанг (ўйгурча) - хайвон, мол.) дастидан”.

Шунга ўхшаш бир неча байт эди. Бундан сўнг Ҳақимбек ўз олдига Қосимжон бошлиқ идорадагиларни тезда чақирди. Ҳаммамиз мажлис бўлар экан деб борсак, қўнг залда Ҳақимбекхўжа, ўнг қўл томонида Анвар афандидан бошлаб бир қанчалари ўтирибдур. Сўнг қўлида Турди ҳожи Толдиқўргон, Турсунбой қолвонлар бўлиб қални тўлдиришибди. Анвар афанди газетани муҳоқама қилиб, шарҳлаб бераётган экан. Бир вақтда бизлар ҳам ҳозир бўлдик. Бирок Ҳақимбек Қосимжонга қараб, газаб билан: “Ҳой бўқ, сан нима деб ёздинг?” деб хайқирган овоз билан сўраганда, Қосимжон: “Бу шеър бировга аталиб ёзилган эмас, одатдаги шеър”, деса, Анварафанди шарҳлаб: “Булбул” дегани Тўра, “мол-варанг” дегани сизлар билан биз”, деб ўзларининг қимлигини намойиш қилди. Яна Ҳақимбек сўқиниб: “Юрт эгаси биз турсак, бошқа халқни мактаб ёздингму сан, бўқ”, деб бу бемаза сўзни неча йўл оғзига олди. Шунда Қосимжон: Балли, Анвар, таъбирларингизга офарин”, деган сўзлар билан жавоб берган бўлиб, яна “Оғзингизни чайқаб сўзланг, бўлмаса сассик, пураб(Пурамок (ўйгурча) - бадбўй хид чиқармок) қоласиз”, деган сўзларни ҳам қўшиб, Ҳақимбекка ҳам жавоб берган бўлди. Хар бир газета мақоласи ташвикот бўлимидан ўтиб боришини назарда тутиб, Анвар афанди: “Бу ерда ташвикот бўлими ҳам айбдор” деганида: Абдуқарим: “Мен бу ишдан беҳабарман,

Урумчида эдим”, деб жавоб берди. Шундан кейин Олтисумул хокимининг муовини Абузар халфа сўз олиб: “Бурунги сиёсат ўзгарди. Энди янги сиёсат билан монғмасак(Монғмоқ (уйғурча)-ҳаракат қилмоқ, қимирлам) бўлмайди”, деган гаплари билан “Ҳо, шундоқ” деб тарқашди.

Шу куни Нуриддинбекнинг аёли мени чақириб, ташвиш билан уйига бошлаб борди.

Борсам, болалари йиглаб ўтирган эканлар. Нима гап десам, бир парча хатни кўрсатдилар. Ўқиб қарасам: “Мен шу улуг гуноҳни қилишга мажбур бўлган ҳолда ва ҳам улуг Тангридан гуноҳимни тилаб, ўзимни дарёга ташладим”, деб ёзиб қолдирган.

Нуриддинбекнинг дастхатини кўриб, кўзим ёшланиб, бунинг сабабларини жиддий билан туриб суриштирсам, “Гани ботир буни излаб, қаерда кўрсам ўлдираман деб, неча йўл келди. Шундин бошқа гап бўлмаган” деганда, мен булардин каттик ҳафа бўлиб: “Нимага менга хабар қилмадинглар” деб қичқириб кетсам, хотини: “Бир дам сабр қилиб турсалар” деб, ўрнидан чиқиб кетиб, бирпасда яна пайдо бўлиб, мени бошлаб бир девор кўшни уйига олиб кирди. Қарасам - Нуриддинбек! Буни кўриб, ҳайрон бўлиб, ўзимга келиб: “Бу нима иш?” десам, “Машуноқ қилмасак Гани қўймайдур, шунинг учун шу ишни қилдук. Бу сабабдан ҳаммага бугундан бошлаб ман йўқ, буни Абдурауф маҳсумга ўзингиз аста айтиб қўйинг”, деди. Шунинг билан бутун Гулжага Нуриддинбек ўзини дарёга ташлабди, деган гап тарқаб, Гани ботирдан қутулиб қолди.

Аммо Ҳакимбекнинг шахсий адоват сабабли собиқ хизматчиларни кўришга кўзи йўқ эди. Жаиубда озодлик учун қурашиб бутун мол-жонларидан ажраб, бизларни паноҳ тортиб чиққан қайилик Юнус домла, Содик чўнг ва тоғлик Иброҳимхожи, Оксув хокими Шуайиб хожилар - ҳаммасини “Тўранинг одами” деб, бариларининг таъминотларини бекор қилиб, кўчага ҳайдаб қолди. Шу муносабат билан Қосимжон Қамбарийга ҳам катта ҳавф тугилиб, 17-июнда Шихўга қараб жўнади. Шихўда ақам ҳарбий таъминот бўйича бошлиқ эди. Қосимжон қадамларнинг воқеаларини ақамларга сўзлаб берадилар. Буларни ақам ҳар тарафлама таъминлаб, Урумчига йўлга солиб қўядилар. Шундин кейин булар Аҳмад афандининг паноҳига борадилар. Нуриддинбекни ҳам Аҳмад афанди ўз қанотига олиб, ўзига кўрикчи қилиб оладур. Мана шу жараёнларда мен ҳам халқ кўзида шулар қаторида бўлиб қолдим. Урумчидаги ясама ҳукумат мақомида Аҳмад афанди, Абдуқаримлар иккинчи даражалиқ маъке билан қегараланганлар. Биринчи муовин раис Бурҳон афанди, иккинчи муовин Аҳмад афанди, биринчи қотиб.хитой, иккинчи қотиб Абдуқарим. Буларнинг эътиқодларича, бундай бўлмаслиғи керак эди. Аммо совет шу йўллар билан Шарқий Туркистон ҳукуматини ўртадан қўтариб, йўқ қилишни уларнинг ўзларига топширди.

1946 йил 23-июнда Аҳмад афанди Урумчидан қелиб, Марқазий идорада “Бу қундан бошлаб Шарқий Туркистон ҳукумати тарқалди!” деб эълон қилди. У ўз хизматини адо этиб, биринчи босқич тамом, иккинчисига ўтдим деб ўйлади. Аммо ундай бўлмади. Советга ишонган Аҳмад афанди мустақил Шарқий Туркистон сиёсатидан воз қечган ҳолда Русияга ён бериб Қизил Уйғуристон қуриш билан озодликка чиқиш йўлини тутди. Совет қонсули эса бу йўлни кўрсатиб, уни Туркистон бирлиги қоясига қарши ишлатишга муваффақ бўлди ҳамда Урумчидаги ватанпарвар қучлар билан бириқишга қўймай, орани бузиб, қоявий душманлиқлар қелтириб қикарди. Бу соҳада қоммунизмчилар ўз фикрларини оломонга тарқатиб, қора қучларни ватанпарварларга қарши қўя бошладилар. Яъни, Урумчидаги Масъуд афанди, Муҳаммадамин ҳазрат, Айсобеқлар пантуркист, пан-исломист ва халқ душманларидир деган бузук совет сиёсатининг жарқиларига айланиб қолдилар. Бу воқеалар кейин, 1946 йиллардаги эсдаликлар

бўйича ёзилди. 1945 йил ёз ойларида жанубий Шаркий Туркистонда озодлик учун курашларда Кучор, Оксув вилоятларида бўлганим учун шу вақтда Гулжада бўлган ишлар хотирам бўйича, илгари-кейин бўлиб, 1945 йил воқеаси ёзилди...

Ўша йили августда ҳукумат аъзолари Марказий идорада мажлис ўтказиб Шаркий Туркистон озодлиги учун хизмат килганлардан отамиз бошлик бир канчаларини моддий йўл билан мукофатлашга қарор қабул қилишиб, жумладан, отамизга 1500 бош қўй, Гани ботир ва Фотих ботирларга 500 бошдан қўй ва бошқаларга ҳам ўз йўлида мукофот берилади. Шунда отамиз “Озодликордени”ни қабул қилиб, қўйларни эса Шаҳид-мажрухлар жамиятига берганлар. Ботирлар ўзлари топшириб олганлар. Бу ишдан биз беҳабармиз. Отамизни хийла билан олиб кетгандан ҳамда Шаркий Туркистон ҳукумати таркатилгандан кейин совет ногорасига ўйнаш керак, бу менга тўғри келмайди. Энди ишдан бўшаб, ўз тирикчилигимизни қилиб, жон бокишдан бошқа йўл қолмади деб, шу қарорга қелиб турсам, Аҳмад афанди Урумчидан Гулжага қелиб бу ердаги аҳвол билан танишиб, 1946 йил июнь ойларида мажлис қилиб, бундан кейин ишларимиз Урумчи орқали бўлишини айтиб, маъмурий ишлар билан таништирди. Ўшанда мен Харбий бўлим бошлиги бўлиб, унвоним майор эди. Демак, бизнинг мустақиллигимиз тугаб, яна асоратдамиз. Шунинг учун мен ишламайман деб, мажлисда ўз фикримни билдирган эдим, Аҳмад афанди: “Йўқ, сизнинг ишингиз бор”, деб эди, мен ўз ҳолимни айтиб, бизнинг оиламизда ҳамма хизматда бўлиб, рўзгорга қарайдиган одам йўқ деб тушунтиргач, ҳар томонлама иқтисоддан қийналганимизни билгандан кейин, отамизнинг ишлаганларини суриштирганда, раиси жумҳур бўлганларидан буён ойлик олмаган эканлар. Шунинг учун 20 ойга маош ҳисоблаб, тахминан 300 қўй қеладиган ҳақ берилди, деб менинг қўлимга ҳужжат бериб, мазкур пулни Молия идорасидан оласиз деб, Аҳмад афанди буйруқ берди.

Кейин Молия идорасига бориб, мурожаат қилганимда собиқ Молия вазирининг муовини Фотих Оллоёрий мени қабул қилиб, салиҳияти билан: “Тижоратчилар учун ҳозирги шароитда бу маблағ зўр фойда қелтирадур, аммо уни шарт - Урумчига бориб, мол олиб қелиш. Шунинг учун сиз ҳозирги вақтни қўлдан бермай иш қилсангиз, вақтдан фойдаланган бўласиз. Чунки яқинда ҳамма учун йўл очилса, бу имкониятлар бўлмайдур”, деб менга маслаҳат берди. Аммо менинг Урумчига боришим шахсий тижорат учунгина бўлишини виждоним қўтармасди. Чунки мен яқин-яқинларгача озодлик учун жон олиб-жон берган, ватан йўлида хизмат қилиб, халқ гамини еган одамнинг боласи эдим. Бугун шахсий жонбоқар бўлиш учун қўнғим бўлмасдан, “Бормайман”- деб турганимда Аҳмад афанди қаққиб, шундай деди: “Сиз Шаҳид-мажрухлар жамиятининг иши бўйича биз билан Урумчига борасиз. Чунки у ердан Мажрухлар жамиятининг молини олиб қеласиз. Шунинг билан ўзингизга ҳам мол олиб қелиш имкониятига эга бўласиз”, деб қолди. Бу билан юрагимдаги гашлик қетиб, яна ватан йўлида жон берганлар учун хизмат қилишни шараф деб, ва ҳам ўзимга берилган имкониятни Тангрининг инояти қилиб шуқур қилдим.

Шу ўринда Мажрухлар жамияти қаердан таъминланади десангиз, маълумки, озодлик кураши бошланганда, албатта, қурбонсиз бўлмайдур. Шу туфайли отамиз 1945 йил қошида мазкур жамиятни тузиб, мажрух ва шаҳидларни инқилоб аҳволига қараб шу ташкилот таъминлаб турган. Уни маблағ билан таъминлашда отамизнинг маслақ-дошларидан Ҳасаним Танзин, Абдулла хожи Солмабош, Жума охун хожиларнинг қатта хизматлари бор эди. Улар Бўритоло, Суйдун ва бошқа ноҳиялардаги бойларга бориб, ваъз-насихатлар қилишиб, қўп миқдорда қўй-моллар тўплаб, мажрухлар

жамиятига етказар эдилар. Шунинг учун биз мусулмонларга исломнинг рухоний-маънавий кучига суяниб, инкилоб қилишдан бошқа йўл йўқдир, буни ўз қўзимиз билан кўрдик. Аммо бу ишга бош бўлган шахс ҳар томондан етук одам, замонасига тушунган, тараккийпарвар, ватан учун жонфидо бўлиб, Куръонга амал қилиб, ҳаммани бир тан-бир жон қилиб бирлаштириб, озодлик учун курашса, албатта ватан озод бўладур. Чунки юқорида озодлик омилларининг кучини адолат билан ишга солганда, ватан учун энг хатарли тор миллатчи кучлар йўқ бўлиб, унинг ўрнига Шаркий Туркистон халқининг бирлашганини кўрдик. У пайтда, ҳатто хитой савдогарлари ҳам ҳар 3-4 ойда ўз устозлари билан биргаликда катта ёрдам қилиб турдилар. Ҳукуматнинг сиёсати билан ватанпарвар бойлар ёрдамида Мажруҳлар жамиятида 45 минг кўй ва бошқа маблағлар йиғилиб қолди. Мана шу юқорида исмлари зикр этилган одамларни Худо раҳмат қилсин, омин!

Шундай қилиб, 1946 йил 7-ойнинг ўрталарида бизлар Гулжадан машина билан йўлга чиқдик. Аҳмад афанди биздан айри самолёт билан кетди. Мен билан собик Сиххия нозири (Согликни саклаш вазири) Мухиддин Канот, Шаркий Туркистон банкининг бошлиғи Каримжон тунгон ва бошқа одамлар ҳам бор эди. Шу куни соат бешларда Шихўга бордик. Акамни йўқлаб Ҳарбий таъминотга борсам, муовинлари Аҳмад ака бор экан. Мени Ҳарбий ки-йимда кўриб, каттик хаяжонланган ҳолда қарши олиб: “Худо хоҳласа, Шаркий Туркистон ҳукумати бор экан” деб, эшитган сўзларга ишонмаганини сўзлаб: “Акангиз Гаффорхонтўрам бундан уч кун бурун генерал Исхокбек билан Чўчак, Олтойга кетдилар”, деди. Демак, буйруқда ўзгариш йўқ. Бу жумбоқларнинг тағига етолмай шу куни Монас кўпригига борсам, хитой аскарлари бузган жойларни ўнглаб ётган экан. “Бугун ўтгани бўлмайду. Эртага соат 10 ларда ўтишигиз мумкин”, дедилар. Карасак, ҳақиқатан ҳам машина ўтиши хатарли. Шунинг учун орқага қайтиб, Ҳарбий таъминотга, яъни Шихўга келиб кўниб, эртаси соат 11 ларда борсам, кўприк битган экан. Кейин хитой аскарларини намоишкорона тарзда биз юрадиган йўллардан Монасга ўтказгани турди. Бу ҳаракат ва шу йўл билан Урумчига боргунча ўз кучини кўрсатган бўлди. Урумчида Аҳмад афанди турадирган Ёнхондаги Чонишуббой кўрасида уч киши Карим хожи, Мухиддин охун Канот ва мен турдик. Бу ерда шошилиш ҳаракати қилиб, Гулжагабон моллардан олдим. Урумчидаги Мажруҳлар жамиятининг вакили Фозил охун деган одам бутун ишларимни битириб, молларнинг тизимини ҳисоблаб, қўлимга топширди. Мажруҳлар жамиятининг Гулжага борадурган молларини тизимга ибноан машинага босганда, юкимиз 5 машина бўлиб, бунда меники ярим машина бўлди. Молларни кўпи ҳар хил чой эди. Шунинг билан икки кун ичида ишимни битириб, Аҳмад афандига учраш тўғри келганда менга шундай деди: “Ҳозир Урумчида Гулжага қайси йўл билан борган хитой бўлса, уни ўлдирар экан деган сўз тарқалган. Сиз билан юривчилар ҳаммаси хитой, шунинг учун “Буларни ҳар жойда қандай шароитда бўлса ҳам ёрдам қилиб йўлга солинсин” деган хат олинг”.

Бундай ҳужжатни олиб йўлга чиқдим. Машиналарнинг шофёрларидан бири гулжалик экан, у менга илтимос қилиб: “Менинг машинамга тушинг”, деди. Уйғурчани яхши билар экан, қолган ҳайдовчилар эса Ичкари Хитойдан чиққан экан. Шунинг учун гулжалик билан кетдим. Шу куни Монасдан ўтиб, кечкурун салкинда юриб, бир ерга борганимизда хитой шофёр кўркув ичида мени хириллаган овоз билан уйғотди. Қўзимни очсам, машина чироклари ёритилиб турган йўлнинг ҳаммасини бизнинг отлик аскарларимиз тўсиб олган, икки суворий менинг машинам олдида турубдур. Кабинадан чиқиб эдим, мени кўриб

халиги аскарлар “чест” (аскарий салом - ред.) бериб: “Биз коровул батальонмиз, топширик бўйича сизларни қисмга олиб борамиз” деб, ҳурмат билан кўлини туширмай турди. Кейин мен: “Бўшсиз, қани бошланг” деб эдим, бир озрок юриб, бир сувнинг бўйига тўхтадик. Йўлнинг четрогидаги ертўладан буларнинг полк командири гулжалик татар Маргуб [Исхаков] чиқди. У мени кўра солиб кучоклашиб кўришиб, хурсанд бўлди. Шу кеча Маргубда кўниб, тун бўйи сўзимиз тугамади. У ҳам бўлаётган ўзгаришлардан норози бўлиб: “Бу ерда Калибек ҳоким ҳам Тўра отамни олиб кетганига норози. Яқинда мени Совонга чакириб кўп айлантирди. Хитойлардан тушган бир оз курол ҳисобга қирмаган эди, охири шуни бермасам бўлмайдурган ўхшайдур” деганда, мен туриб: “Калибек ҳоким билан бирлашиш керак” десам, “Ундай қилсак осмондан ўрис, ердан хитой чиқадуру. Хитойнинг ўзи бўлганда-ю, ёнбошга келганди”, деб армон қилди. Шунинг билан ётиб ухлаб, эрталаб турсак, ҳар ёк - тўла сув. “Бир икки-кундан бери шундай бўлиб қолди. Гам еманг, кун салкин тортса, сув озаядуру, бўлмаса аскар болалар бор. Улар олиб чиқадуру дейишди. Кейин сувга қирганимизда бир дона мен тушган “ЗИС” маркали машинадан бошқаси сувнинг ўртасида туриб қолди. Кейин улар ҳам аскарларнинг қучи билан эсон-омон сувдан ўтди. Маргубга бир оз чойдан бериб, хайрлашиб, йўлга тушдик. Йўлдаги манзаралар уруш бўлаётгандай кўринур эди. Ҳамма ёк бетинч, йўл-йўлақай хитойча пўтай (мавзе) лар Буларнинг ҳаммасини бизнинг қахрамон аскарларимиз қабт этган, бунинг учун қанча қурбонлар берган. Шу қуришда урумчи ҳам “қоч-қоч” бўлиб, бир пуд бензин бир сар(35 граммга тенг оғирлик бирлиги.) олтин бўлган. Мана бундай улуг қуч қандай майдонга қелган? Яна қайтариб айтаманки, исломнинг инқилобий руҳига асосланган бирлик билан адолат барпо бўлди.

Тушларда Сайрамдан ўтиб Қенгсон довоининг ўрталарига жойлашган полкка қелиб, шу ерда дам олиб турсак, Суидун шаҳрининг ҳоким муовини сарибулоқлик қозоқларнинг оқолоқчиси Довудхон шу ерда экан. Мени кўра солиб, қучоқ очиб кўришиб, омон-саломдан кейин ахвол билан танишиб: “Қелажак қандай, Урумчидагилар қандай, отадан қабар қорми?” деб сўраб, “Қозир биз учун ҳеч қандай йўл-йўриқ йўқ”, деб бу ҳам қайрон эди. Кейин Довудхон оқолоқчи ўзларининг қайлови Қертошга, бизлар эсақ Гулжага қараб йўлга тушдик. Гулжа билан Қенгсойнинг масофаси 50 км. йўлдур. Шу қуни манзилимизга қелиб, Шаҳид-мажруҳлар қамиятининг идорасига молларни омон-эсон туширдик. Олди-берди ҳужжатларга” қўл қўйилди. Хитой шофёрлар машиналари билан Қарбий таъминот қаражига топширилди. Булар 5-6 қун туриб, қар бирй қомон қосқандай хитой қосиб, Урумчига жўнади. Бу ер дан Шихўта етгудек бензин олиб қетишди. Шу қезларда Гулжадан аңча хитой қетиб, Гулжа атрофларидаги хитой-ларнинг ер-сув, қўралари қотилиб, оз бўлса ҳам туб аҳо-лига қойда бўлган эди. Мен ҳам хурсанд эдим, қунки Урумчидан қой қелтириб, Гулжадан хитой жўнатдим... Одамлар мен қилган ишдан бўладурган қойданнинг бирини ўн қилиб ҳисоблаб, қандай қилиб бўлса қам Урумчидан мол олиб қелишга қиришиб қетдилар. Ўзим ҳам бундан бўён иш учун бошқа иш қолмади, қунки Шарқий Туркистон озодлигини совет қоммунистлари Хитойга узил-қесил, бош-оёғи билан қотгани аниқ бўлди, деб қарор қилдим. Буларнинг алдови очик, бунга шак йўқ, энди хитой қоммунистлари қалабасига, имқониятдан қойдаланиб, иқтисодимизни йўлга қўйишни ўйламасақ, кейин қеч бўлади, деб ўйлаб, ишга қиришдим. Урумчига бензин, қанд-шакар ва шунга ўхшашларни олиб қоришга қаракат қилиб, ишбилармон ва қўлидан иш қеладиган оғайним татар Талъат Обидов билан маслаҳатлашиб, у машина қотадиған бўлди ва совет [геология] экспедицияси билан сўзлашиб, икки дона қуқ машина топди. Кейин Гулжадаги Мойтоғ қанкига 10 тонна

бензин пулини тўлаб, 1946 йил август ойларида Шихўга бориб Мойтоғ директори Одилбекка мурожаат қилиб, ҳужжат кўрсатсак, “Бензин ҳозир ҳарбийларнинг ихтиёрида, шунинг учун бул хат билан беролмайман” деб, бермади. Бизлар маслаҳат қилиб, Урумчига бориб, Аҳмад афандига мурожаат қилганимда ўзимга тегишли бўлган қисмга қўл қўйиб берди. Бир-икки кун Урумчининг аҳволи билан танишдим, қарасам ҳаммаёқ - хитой. Шуларнинг орасида ҳар қайси тоифа одамлар, жумладан Абдулаҳад маҳсум деган қимса бақир-чақирлар қилиб юрган экан. Мен билан жанубий Шарқий Туркистонга тушган Минавархўжа Оксудан Гулжага 1945 йил куз ойларида чиқиб, энди у ҳам шу ерда экан. Дубан вақтида ўзи қамалиб, мол-мулклари мусодара бўлиб, ун заводи Урумчига қўчириб кетган экан. “Шу ун заводи эгаси Минавархўжага қайтарилсин” деган Шарқий Туркистон ҳукуматининг буйруғини расмийлаштириб олиб, Урумчига бориб, ҳар қуни берасан деб, тўполон қилиб юрган экан.

Бу вақтларда Олтой тараф қозоқларининг қабила бошлиқларидан бир қанчаларига мансаб бериб Урумчида ушлаб турган экан. Жумладан, Жонимхон хожи, Ходи вонг ва яна шунга ўхшашлар. Булардан бошқа тоифалар, Ўсмон ботирнинг одамларидан Латиф бошлиқ бир қанчалари ҳам Урумчида экан. Шунда менга Аҳмад афанди: “Шарқий Туркистон ҳукумати вақтида Олтойдан Ўсмон ботирнинг вакили бўлиб Гулжага келган Латиф, Шамши деганларни сиз яхши танийсиз, чунки Тўра отамнинг ёнида бир-икки ой туриб кетганлар. Улар ҳар хил сўзлар қилиб, бизларга тош отиб, Тўрани топасан деб тўполон қилиб, тинчлик бермаётибди. Уларга бориб: “Отамиз арашонда дам олиб келиб, ўз ишини давом эттирадур деб ҳамда бизлар уларга қарши эмаслигимизни айтиб қеласиз, сизни Абдулаҳад маҳсум бошлаб борадур деди ва уни менга қўшиб юборди. Шу билан улар турган жойга борсак, эшик олдида хитой аскарлари бизни тўсиб қирғизмади. Кейин отимизни ёзиб олиб ичкаридан сўрагач, рухсат қилди. Салом билан уйга қирдик. Латиф икки одам билан ўтирган экан. Биз бориб қўришиб ўтиргандан кейин Латиф: “Сенинг келганингиз, бир-икки кун бўлди, эшитганман. Ҳар ҳолда ёмон эмас, қелиб қўришдинг, яхши. Нуриддинбек дегани ҳали бир йўл қелиб сўрашишга ярамади. Гулжага борганимизда ҳар қуни биз билан бирга бўлиб, бирга турган одам, энди бир қелиб қўришишга ярамади”, деб қўл силтаб, “Қўй бу сўзларни, отангни алдаб, ўрис ўғирлади” деганда мен ўшанда тарқатилган сўз бўйича оғиз очганим, яъни арашонда дам олаётганларини айтганимда “Сени ҳам Аҳмад сўқир ўқитган экан деб энсаси қотиб, уни ҳам, Хитойни ҳам ҳақорат қилиб: “Иккови ҳам бизга қерак эмас. Биз ота-боболаримиздан қолган еримиз учун қон бериб ётибмиз, бошқа даъвомиз йўқ, “деди. Шунда Абдулаҳад маҳсум битимдан сўзлаганда ундан баттар энсаси қотиб: у гапларни қўй, деб менга қараб дедики, “Аҳмад сўқирга сўйла, бизга йўқ нарсаларни айтишни қўйсин. Кейин мени унга бошлаб қириб, ўлтирган одамлар билан мени ҳам таништириб: “Мана бу - Тўранинг ўртанча ўғли Асилхон. Бунинг ҳам оғзини Сўқир қоллаган экан” деб сўзини тугатиб, менга қараб: “Урумчида қанча вақт турасан? Қетгунингча қелиб тур”, деб бизга жавоб берди.

Шу билан Аҳмад афандига бориб, бўлган сўзларни айтдим. Эртаси мен Абдукаримга мурожаат қилиб Урумчидаги афандилар билан қўриштиришини истаганимда, “Қайси бири билан қўришгингиз бор?” деб сўради. Мен: “Айсобек билан”, дедим. Чунки бу одамни отамиз қўп сўзлар эдилар. (Отамиз Исо Юсуф Аллтекин (Айсобек)ни ҳар вақт қуқур ҳурмат билан тилга олардилар.) Шунинг сабабдан қойибона таниб қолган эдим. Аммо ўзини қўрмаганим.

Хуллас, Абдукарим мени бошлаб Турсун, Анвархон боболар қовлисига олиб қорди.

Ичкарига кирсак, бир уй одам бор экан. Тўрда ўтирган, европача кийинган одамга мени танитиб мурожаат қилганда, менга қараб бошини қимирлатиб қўя қолди. Қарасам, бу ўтирган одамлар ҳар тоифадан бўлиб қўринди. Чунки сўз ҳар хил. Кейин биз қайтиб чиққач: “Бу одамлар қим?” десам, “Мухаммадэмин ҳазрат Бугро деган - шу”, деди. Айсобек, Масъудлар йўқ, қелмабдурлар, деб жавоб қилди. Бу учрашув, ҳарқалай, менда яхши таассурот қолдирмади. Чунки, коммунизмчилар совет ёрдамида халқни булардан ажратиб, ёмон қўрсатиб қўйгандай туюлди.

Абдукарим билан сўзлашсам, ул яқинда Ичкари Хи-тойга Аҳмад афандилар билан бориб, Чанқайши билан қўришишганини шундай хикоя қилди: “Биз билан Чанқайши сўзлашганда унинг ўгли рус тилида Аҳмад афандининг сўзини отасига таржима қилиб турди. Сухбат жараёнида Аҳмад афанди “мустиқил бўлиш” деганда Чанқайшининг ўнги ўчиб: “Бош қолиб, оёқ қандай мустиқил бўлади?” деганда, Аҳмад афанди “Бошимиз - Шарқий Туркистондир”, дейди. Чанқайши қалтираб-титраб кетибдур. Аммо Аҳмад афанди бу ҳолатни қўрмай, ерга қараб сўзини давом эттирди.” Мана шундай сўзлар билан сухбат оёқлашганини айтиб, “Булар бизга мустиқиллик бермайдур. Аммо хитой коммунистларидан умид қилса бўладур деб, анча уларга мойил бўлиб сўзлади. Аммо ичкари Хитойга бориб қелгандан кейин улар турмушларини ўзгартириб, уй солиш ва шунга ўхшаш ишлар билан овора бўлиб, Шихўдан бир-икки йўл бензин олдириб қелиб, анча пул топиб, Гулжадаги иморатларини қурдилар. Бу ҳусусда, яъни бензин масаласида мен Абдукаримга маслаҳат бергандим.

Яна ўша йили Урумчида бир ташкилот қурилган экан, шунга Нуриддинбек, Муҳиддин Канот ва бир қанча мен танимайдиган одамлар бирга бўлиб бордиқ. Буларнинг мақсади - коммунизмчиларга қарши қураш бўлиб, бу ишнинг бошида ғўминдан ҳарбий штабининг Урумчидаги бошлиғи Шов шижан экан. Бу тизимни менга Муҳиддин Канот қўрсатиб, қўшилишимни қаттиқ туриб сўради. Аммо мен қўнмадим. Кейинчалик бу ташкилот қош бўлиб, Муҳиддин оҳун Гулжага қочиб қелди. Нуриддинбекни уриб-сўқиб Урумчида қамаб қўйган экан, Аҳмад афанди чиқариб олибди. Абдукарим Гулжага қелиб булардан қойиб сўзлади, кейин “Муҳиддин Канотни қандай қилиш қерақ, буларни қамаб юборадур. Шунинг учун уни иш билан Қучорга юборамиз, кейин ўзи йўл топиб, бошқа ёққа ўтиб кетадур. Буни сиз ўзингиздан қилиб сўзланг”, деб ўзи Урумчига кетди. Шундан кейин Муҳиддин оҳун аввал Юлдуз орқали Қучорга, у ердан бошқа томонга ўтиб кетди. 1945 йил Шарқий Туркистон ҳукумати вақтида Ёшлар ташкилоти қурилган эди. Унинг номини ўзгартириб, Ёшлар иттифоқи деб, Аҳмад афанди бош бўлиб иш бошлаганлар. Бу анча вилоятларга ёйилган. Аммо Аҳмад афандиларнинг ҳаракатлари халқ оммаси ичида оз таъсирли эди. Чунки буларни ҳам совет маққорлари ҳар хил йўллар билан халққа ёмон қўрсатиб қўйганди. Буларга қўйган айби - пантуркистлик. Буни Шарқий Туркистон халқ оммасига энг қўрқинчли, ёмон оталғу қилиб қўрсатди. Бул - коммунизмчиларга совет консулининг топшириқларидан эди.

Шу вақтларда бутун иш совет граждaнлари қўлига ўтган эди. Буларни жойлардаги совет консуллари бошқарар эди. Уч вилоятдаги тамом идорадагиларни ўзларидан сўрамасдан граждaн қилиб олганди. Қашқар ва бошқа шаҳарларда ҳам қўп ерлилар, масалан қашқарли Абдукаримхон маҳсум бошлиқ бутун авлоди граждaн бўлган. Гулжадан Ҳақимбекхўжа бошлиқ оила-афроди, Мусабоев бошлиқ сулоласи совет фуқароси бўлди. 1946 йилдан бошлаб уч вилоятда бутун савдо Граждaнлар жамиятига ўтди. Урумчидан бошлаб жанубий Шарқий Туркистоннинг савдоси Талъат Мусабоевлар қўлига ўтди. Булар кечаю-қундуз совет чегарасига Шарқий Туркистондан чиқадиған ерлик молларни

ўтказиб, ўзлари бой бўлди. Аммо бу ҳаракатда кўпчилик булар оркали фойдаландилар ва ҳам закотини берди, дейишди. Мана шу юкоридаги граждaнлар ўз фаолиятларини отaмиздaн кейин бошлаб юборди. Бизнинг оиламиздaн акамини, Шихўдаги Харбий таъминот бўйича хизмaтдагиларни совет граждaни деб кўллaригa кизил паспортлар берилди ва шу тарикa акам бола-чакалари билaн совет граждaни бўлиб олдилар. Мени хар хил йўллар билaн граждaн килиш учун ҳаракат килган бўлсаму, бўлмадим. Аммо бу хусусдa, хaтто Шаркий Туркистон ҳукумaт аъзолари хaм келажак кўркинчидaн граждaн бўлиб, кутулиб коламиз деб ўйлади. Бунгa сабаб килиб Эрон Озарбайжониии хaм бизгa ўхшaб алдaб, уни хaм сотгaндaн кейин ва Эрон билaн совет сулх килиб, бир-бирларининг ички ишларигa аралашмаймиз деб кўл кўйгaндaн сўнгрa Эрон ҳукумaти инкилобчиларни кириб юборди деб кўрсaтиб, хар куни совет гaзетaлари бирни ўн килиб ёзиб турди. Мана шу гaрaзликташвикотлар билaн одамларни вaсвос килиб, ўзининг ишини битиришгa киришиб, кўп ерлик одамларни граждaн килиб олди. Бир куни Мухaммaджон махсум акaнинг олдигa кириб: “Кaндай бўлди, кўп ерлик одамлар, хaтто ҳукумaт аъзолари граждaн бўлди деб aнглaдим десaм, “Кaндок киламиз, Асилхон? Бўлмaсa бизлар хaм хитойлар кўлидa отилиб кетaмиз. Шунинг учун бу гўйнинг(Гўй (уйгурчa) - ёмон, aблаx.) эaгини тутмaсaк бўлмайди дeди. Колган хaлк oммaси ёлгон кино тaшвикотларигa алдaниб мoмaсини кўрди. Бунинг устигa бутун консул ишхонaси порaхўрликкa aсoслaнган бўлиб, ҳeч кaндай иш, яъни расмийт ишлари битмaсди. Шунинг учун кўп одамлар хoнaвaйрон бўлдилар. Хусусaн, ховли-жойларини сотиб, йўлгa чикaмaн деб тургaнларгa ришвaт олиш учун “бу йил бўлмайдуp” деб, улардaн порa олгaч, ишни битиргaн. Хусусaн, козoк хaлкини порa мaсaлaси хoнaвaйрон килди. Граждaнлик учун совет ҳукумaти кўп мaкр-хийлaлар килиб ёзиб, совет паспорти олгaнларгa хар хил имтиёзлар ва мaнсaблар бeриш йўли билaн бутун Шаркий Туркистон еридa кўплaб хaлкни ўзиники килиб олди.

Аммо шу кeзлардa Ахмaд aфaнди Шаркий Туркистон нoиидaн иш юргизди. Чунки аксари тоифaларнингўртaсидa ўз вaктидaги мустaкиллик рухи aнчa кучлик сaклaниб, ишлар хaм шу рухдa эди. Чунки отaмизни хиёнат йўли билaн олиб кoчгaндaн кейин биринчи бўлиб, шу вaктнинг сиёсaтигa кaрши бош кўтaриб, мустaкил холдa кaрши турди. Бундaн чўчиб, Гулчa атрoфидaги козoклардaн тузилгaн полкларгa бошкaчa кaрaй бошлaди. Унгaчaлик Шихў атрoфларидa Совон хoкими Кaлибек бoтиp Шихў Мойтoккa хужум килиб, 1947 йил июнь-aвгуст oйлaридa кaттик жaнгдaн кейин олгaн моллар билaн тoккa чикиб олди. Шу йўсиндa бир-икки йил кaршилик килиб юриб, кейин ком-мунист хитойлар Урумчигa кeлгaндaн кейин жaнубий Шаркий Туркистонгa ўтиб, Кумуштoг дeгaн тoккa чикиб олиб, у ердa хaм oзoдлик учун курашиб, oхири шу ёкдaн 50 йиллардa Хиндистонгa ўтиб, у ердaн Туркиягa кeтгaн. Бу oдaм отaмизнинг ишoнгaн жoнфидoлaри эди. Хизмaтлари учун “Шаркий Туркистон хaлк кaхрaмoни” унвoнини олгaнди. Ўз вaтaнининг козoкларидaн чиккaн зиёли oдaм эди. Бор бўлсa, умри узoк бўлсин, ўтгaн бўлсa, Худo рaхмaт килсин! Шу вaктлардa мени хар кaдaмимгa жoсуслар кўйишгaнди. Тижoрaт ишигa кизиккaнимдaн фoйдaлaниб, ўз вaктини ишбилaрмoнларидaн хисoблaнгaн Асaдулло aкa дeгaн oдaм уйигa чaкириб: “Сиз билaн тижoрaтдa ширкaт бўлсaк”, деб колди. “Ишимиз юришиб колсa, Или дaрёсигa кўприк ва шунгa ўхшaш хaйрияли ишларгa сaрф килсaк, бу билaн Шаркий Туркистон хaлки учун хизмaт килгaн бўлaмиз”, деб мени кўндириб, ўзигa ширкaт ўртоғи килиб олди.

Кейин 1950 йилнинг бошларидa Шaнхaйгa борсaм, хaммa тижoрaт шаркий туркистонликкa колиб, бошкa чeт элликлар колмaбди. Ондa-сoндa сиёсий кoчoклар хaм

бор экан. Бир куни мен ётган Додунг панданга(Мехмонхонанинг оти бўлиши керак.) Бежинга вакил бўлиб борганлардан бир канчаси мени излаб келишди. Булар гулжалик Махмуд охун халфат, боласи Абдулло махсум ва Урумчидан машхур Абдулкодир домланинг боласи Абдулазиз махсумлар экан. Бу икки махсум бир-бирини ёмон кўрар эканлар. Шундоки, Абдулло махсум “Соронгнинг(Соронг (уйгурча) - ахмок, тентак.) сўзига кулок солманг деб менга ишора килди. Абдулазиз махсумни гоёси бўлак одам, яъни ватанпарвар деб эшитганман. Кейин ахвол сўраб: “Каёқдан?” десам, Абдулазиз махсум бошидаги шапкани кўрсатиб: “Биз халк каёкка борсак, мана шундоқ мода кийиб кайтамиз, буни Можусий(Яъни,Маоцзедун(Мовзудун,Можуши)ХитойКомпартиясининг раиси.) кийдирди, деб кулиб кўйди. Булар билан тибетликлар ҳам борган экан. Уларга ҳам Можусий мода кийдириб юборибдур.

Шундан кейин мен кўп ўйланиб ўтириб,бу иттифоксизлик балосидан бизларнинг халкимиз қачон қутуладур деб, ўйимга етолмай, яна ўз ишим билан бўлиб кетдим. Гоё бирлиги бўлмаса, ҳеч бир миллатга озодлик йўқ экан. Демак, икки мазлум иттифок бўлмаса, озодлик йўқ экан, у замон Шаркий Туркистон қандай қилиб озод бўлсин, деган ҳулосага келдим.

Шунинг билан коммунист хитойлар Шанхайда, умуман Хитойда тижоратдан фойдаланиб, савдогорларга қенгйўл бериб, бутун халқни шу билан овора қилиб, ўзларини қинғитиб олди. Сўнгра “синфий кураш” деган балоний бошлаб, ҳар куни одамларни тутиб-камаб, баъзиларини қон қарзи бор деб, намойишқорона ота бошлади. Аммо маккор хитой “шинжонликми?” деб, сийлагандай, майда-чуйдада анча-мунча имтиёзлар бериб, чўчитмай турди. Бир пайт ишни битириб молларни Урумчига солиб, Ланжуга келсак, у ерда ахвол Шанхайдан анча ёмон экан. Ланжудан юрамиз деб турсак, Гулжадан келганлардан Шомухит деган мени биладиган одам мени кўришиб: “Сиз юртга чикмай тулинг, у ерда ҳам қама-қама бошланиб қолди”, деб хабар берди. Шунинг билан мен қолиб, одамим Бурхонали Урумчига чиқди.

Отамизни олиб қочгандан кейин биринчи бўлиб Олтойда Ўсмон ботир “Алихонтўрани топасан” деб бош қўтарди. Чунки, отамиз билан гоёси бир эди. Бу ҳусусда отамизнинг олдида 1945 йил апрель ойларида Ўсмон ботир Гулжага элчи қилиб ўзининг ишонган одамлари Ханафия, Шамши деган кишиларни юбориб, улар отамизнинг олдида икки ойдан ортиқ туриб бутун ички-сиртки ишлар билан танишиб, отамиз билан Ўсмон ботирнинг максадлари бир эканлигига аниқ ишониб, ўз юртларига қайтгандилар. Шу вақтларда совет консули ўзининг хиёнатқорона қилмишлари натижасида юзага келган қарама-қаршилиқлар орасида отамизни ўғирлаб йўқ қилмокчи эди. Аммо Ўсмон ботир бошлиқ Олтой халқининг қаттиқ туриб талаб қилгани консул бошлиқ коммунизмчиларнингўйлаганидек бўлмади. Яна Шаркий Туркистон гоёсига мурожаат қилишга мажбур бўлдилар.

Бу ўринда акам марҳумнинг хотираларига мурожат қиламиз: “14-июнда Гулжадан Қосимжон Қамбарий ва жанублик бир қанча охунлар Ҳакимбекдан қочиб Шихўга келишди. Дадамларнинг воқеаларини шулардан эшитдик. 15-куни йўл очилди. Ярим кечада чегарадан уларни ўтказиб юбордим.

17-да биринчи бўлиб Аҳмад афандилар Урумчидан ўтди. Менга анча қўнгил айтиб, Гулжага бормай тулинг, нодон одамлар қўп. Мен сизга ёрдам қиламан. Имқоният бўлса, қайтишимда Асилхонни Урумчига олиб кетаман. Энди хитойлар билан бирга ишлашга тўғри келади. Ҳарбий таъминотни қийинчиликлари бўлса, бевосита менга хабар берасиз, деган сўзларни айтди. Шу вақтдаги битимга биноан қисмлар Урумчи орқали

таъминланиши лозим эди.

1946 йил 25-июнда генерал Исхокбек Тошкўргонда эдим деб, Шихўга келди. Менга дадамлар тўгрисида илик сўзлар айтиб, сўнгра Олтойга бирга боришимни таклиф килди. “Йўлда Кубук Саврдаги Шарифхонтўранинг овулида Куръон ўқиймиз. Икки дона ёмбуг топинг” деди. Йўлга чикдик. Йўлда бир малла иблис(Сонет (рус) жосуси дейилмокчи.) кўшилди. Кубукка бориб, Кубук отлик полк командири Юсуфхондан икки дона сўким бия, икки дона туя олиб, козоклар расми бўйича от чопиб, “боврим-боврим” деб, ёлгон йиги килиб, фотиха килиб, Куръон ўқилди. Шарифхон тўрани дубан камаб ўлдириб юборган. Сўнгра иблислар авраб, Шарифхоннинг иниси Закий-хонни олиб, Олтойга бордик. Советларнинг Олтой консулхонаси икки марта Олтой козокларининг нуфузли кишиларини чакириб зиёфат бериб, инъом ва эхсонлар килди. Ундан кейин Исхокбек катта зиёфат килиб, Далилхонга генерал, Закийхонга полковник унвонларини бериб, харбий кийимлар кийгизди. Бошка козок хизматчиларини ҳам Шаркий Туркистон ҳукумати номидан мукофатлади. Мазкур зиёфатга Ўсмон ботирни олиб келишга кўп уриниб, унинг учун шофёри билан енгил машина ва бошка бир канча тортук-тарагайлар тайёрлади. Аммо келмади. Шундан кейин генерал Исхокбек менга “Ўсмон ботирга бормокчимиз, сиз ҳам борасиз”, деди. Лекин кетадиган вақтида айнаиб қолди. Мен боролмадим. Кайтиб келиб сизни бекор қолдириб кетган эканмиз, Ўсмон сиз билан сўзлашмокчи экан”, деди. Ана шу вақтларда олтойлик Жонимхон хожи, Ходи вонг ва Латиф дегаи кабила бошлиқларини Урумчига олиб бориб олган эканлар. Улар Олтой билан алоқа килиб турар экан. Ўсмон ботир Олтой волийси бўлса ҳам, атрофдаги Далилхонга ўхшаганларга ишонмай, ўз ишонганлари билан тоққа чиқиб олган экан. “Алихонтўрани олиб келипти. Биз сизларга ишона олмаймиз, деб Исхокбекка унча яхши муомала қилмабди.

Бунинг устига буларнинг ота-боболаридан қолган Кўк-тўкай-Чингил деган жойлардан жуда кўп совет қончилари ер ости бойлиқларини неча юзлаган машиналар билан шошилиш таший бошлади. Шу вақтларда Олтойда Далилхонга қарашли икки отлик козок полки бўлиб, бири Сарисумбанинг ўзида, бири Кўктўкай-Чингилда турар эди. Ўсмон, Кўктўкай-Чингилдаги советчилардан бир қанчаларини ўлдириб, Олтой шахрига йўл оладур. Бунга уч вилоятга қарашли қисмлар қарши турмай, қўшилиб кетганлар. Кўктўкай-Чингилдаги қисмларнинг офицерларидан бир қисми бўлиниб, Кизил Мўнгулия чегарасига қочиб ўтади. Шаҳардан генерал Далилхон бир оз офицерлари билан ёйдок отларга миниб, сўқмок йўллар билан қочиб, Зайсан чегараси билан совет тупроғига ўтиб туриб қолади. Штабда турган генерал Полинов ва Можаровлар ва бир қанча совет маслаҳатчилари Олтой консулхонасига қириб бекинадилар. Шу пайтларда Кубукда турган Юсуфхоннинг отлик полқларини Ўсмон ботирга қарши жангга солишади. Улар Гулжа Тарбагатай козокларидан иборат полқлар эди. Уларни ҳам бир қисми Ўсмон ботирга қўшилиб, қолгани Кубукка чекинади. Тарбагатай Чўчақда турган Алиев қўмондасидаги уйгур полки Олтойга йўл олиб, йўл-йўлақай беғунох козок-лардан қўпини отиб ўлдириб, Кубукка келишади. У ердаги чекиниб қолган козок қисмлари билан ўрталари бузилади. Алиевга қўшилишга буйруқ бўлган бўлса ҳам козок қисмлари бўйсунмайдур. Иртишдан ўтадурган сим кемалар Ўсмоннинг одамлари қўлига ўтиб эгаллаб оладурлар ва Кубук чегарасига қадар келиб қоладилар. Олтойда Ўсмон ботир ҳокимият қўриқларди. Бир қанча киши отлар қуйругига боғлаб ўлдирилади. Аскарлар яна айланиб Бахти чегарасидан Чўчаққа ўта-дилар. Шу шаҳарда тўпланиб, советнинг ёрдамида яна қайтарма ҳужум бошланиб, Ўсмонни уч вилоят чегарасидан

чиқариб ташланади. Иблисларнинг, яъни совет вахшийларининг бу қилган ёвузликлари билан бир канча минглаган бегунох конлар тўкилиб, Олтойнинг тинч халқи вайрон бўлиб, бутун вилоят очарчилик ва юкумлиқ касалга мубтало бўлди. Яна бу босқинчи вахшийлар минглаган машиналар билан ўлжа қилиб жонли-жонсиз молларни, ер ости бойликларини кечаю кундуз таший бошлади. Мана шу билан Ўсмон уч вилоят чегарасидан ўтиб, Гўби чўлига чекинди. Шуни ҳам билмак керакки, Ўсмон ботир Шарқий Туркистоннинг озодлик ҳаракати бошланган 1930 йиллардан олдин ҳам Олтойда хитой босқинчиларига қарши курашиб келган. Ўша даврлардан бери ўрисга ҳам, хитойга ҳам таслим бўлмаган. Хақиқий ватанпарварлардан эди. Энг охири ўзимиздан ва қизил мўнгуллардан, шарқдан хитой аскарлари бўлиб, неча юз минг аскар билан ўралган Ўсмон ботир ўровни бузиб ўтишда яраланган. Шу билан 1951 йил ёз ойларида Урумчида қатл этилди. Худо раҳмат қилсин. Уни ҳеч қачон Шарқий Туркистон халқлари унутмайдур. Хотираси мангу тарихи-мизда қолажак! Авлодимиз учун!

Шарқий Туркистоннинг уч вилояти, яъни Гулжа, Чўчақ ва Тарбоғотой-Олтой, булар ўлканинг шимолида жойлашган. Асосий халқи қозоқ, уйғур бўлиб, буларнинг хўжалигида қорвачилиқ биринчи ўриндадир. Уч вилоят инқилобида Гулжа вилояти марказ бўлиб, қолган вилоятларда волийлар Чўчақда - Бошвой, Олтойда Ўсмон ботир бўлган. Марказий уч вилоят қарбий Туркистон (яъни, Марказий Осиё) билан бевосита чегарадош. Олтой вилоятининг шимол тарафи Қизил Мўнғўлия билан чегара. Буларда тўрт миллион халқ яшайдур. Шу жумладан, Чўчақ атрофида, яъни Кубуқ тарафда оз тўла қалмоқлар бор. Ва Дулбуржун деган ноҳияда эски қирғиз уругидан озроқ бордир. Гулжа қозоқлари қизай уругидан. Олтой қозоқлари қарай уругидан. Шиху атрофлари ҳам шулардан. Олтойдан қелган чўчаққизай Ўрта юздан. Булар 1300-хитрийда (милодий 1882 й. -ред.) Ўрта жуз қозоқларидан уч бўлиб қизай эди, тамоман Хитойга қетдилар. Қайси уругдан бўлмасун, ҳаммаси бир турк болаларидир”.

Совет маккорлари системаси бўйича Шарқий Туркистон озодлик инқилобини хитой коммунистларига совга қилишда энди ўз одамлари ҳам ортиқча бўлиб қолди. Шунинг учун 1948 йил ёз ойларида Урумчидан қом-мунизмчилар Гулжага қайтиб қелиб, Ёшлар иттифоқи қуришга қиришиб, бунга Аҳмад афанди бошлиқ, Абдуқа-рим ва Сайқиддинлар муовин бўлиб, яна коммунизмга ишониб алданишганини билмадилар. Аммо Абдуқарим сеза бошлаганди. Бир қуни у менга деди: “Дўстим, бекорга ўлиб қетадургонга ўхшаймиз, шунинг учун бу йил ёзда қайловга бир жойга қиксак. Мен бу йил Қўқсолога бола-чақалар билан қайловга қикаман”, деганда “Мен ҳам бу йил шўққа қикаман”, деб ваъдалашдим. Аммо 1949 йили [ёзда қикиладиган] қайловга эмас, абадий қайловга қетди. Худо раҳмат қилсун. Юқоридаги айтганлари Абдуқаримнинг охириги армон билан айтган юрак сўзи экан, буни қейин қилдим...(Аҳмаджон Қосимий бошлиқ, ичида Абдуқарим Аббос ҳам бўлган Шарқий Туркистон ҳуқумати вақиллари 1949 й. август охирида Пекинга қоришдан аввал неқадир СССРга уқадилар. Иркутскда қўё ҳаво ҳалокати бўлади, бундан ҳеч қим қирик қолмайди. Ташқил қилинганлиги аниқ бу қирли қожиа ҳанузгача маҳфий қутиб қелинмоқда.)

Шу вақтларда Урумчида у ёқ-бу ёқда қочиқ юрганлардан ҳар соҳанинг одамлари бўлиб, баъзилари қиёқилардан эди. Буларни ҳам совет маккорлари ҳаммага ёмон қўрсатиб халқдан ажратиб қўйибди. Қитим вақтида советдан ўтган қанча ўз одамларини эса матбуот соҳасига ўрнаштирган. лардан Хилам Худойберди ва бошқалар эди. Булар Урумчида бутун матбуотни эғаллаб, хитой коммунистлари қелгунча совет қоясини ёйиб, охири, хизматларини Хитойга топириб қериб, Союз (яъни, СССР) га қикиб, Тошқентда

чўнг ўринларда яна Шаркий Туркистоннинг зарарига радио оркали ташвиқот қилиб келган. Бу соҳанинг соткин одамлари - уйгур, ўзбек бўлсин - ҳали ҳам қизил жаҳонгир КГБсининг одамларидир, булар ҳеч қандай ватанга мансуб эмаслар.

1949 йил хитой коммунистларига ўрис коммунистлари ўринларини топширишда баъзи бир ўзида ватан ҳисси борлар орасида норозиликлар келиб чиқди. Масалан, Гулжа шаҳри гарнизонидан Раҳмонов, Текас козок полкидан Идрис, Тўққизторо ҳарбийларидан Малик ҳожилар. Аммо булар бирика олмадилар. Ваҳоланки, ўрис билан хитой бирлашиб, қаерда инқилобий ҳаракат бор деб гумон қилса, шу ернинг халқини отиб-чоғиб йўқ қилди.

Жумладан, Идрис сарибулоқлик козок, ана шунинг учун ўша ерлик бир қанча одамлар отиб йўқ қилинди. Отилганлардан Суйдун-Сарибулоқ ҳоким муовини Довудхон оқолоқчи ва ҳам Шаркий Туркистон давлат текширувчисининг муовини Мукон ва ҳам Сарибулоқдан бир қанча бегуноҳ ёшқариларни бир оғиз сўз сўрамай уйларида отиб ўлдирган. Бу бераҳм хитой коммунистларининг шу вақтдаги Шаркий Туркистонга чиққан одами Мовзудуннинг энг ишонган қаллақесар жаллодларидан бўлган Бонгжин деган ваҳший эди. Ана шу вақтларда, яъни 1949-1950 йилларда бу ваҳший яна бир тухмат уюштириб, “пантуркист”, “панисломист” деб бир қанча бегуноҳ одамларни отиб-чоғиб, қамаб ташлади. Жумладан, Маҳкамбойни - совет ҳукуматининг душмани, Масъуд афандининг Йилдирим деган бўласини пантуркист деб, Иброҳим оқмўйлов, Курбон тактак, Ҳасанбек, Одилбек, Абдуллажон иўғай ва бир қанча эътиборли одамлари халққа даҳшат солиш учун Олтинлук мазор деган Гулжанинг шимол тарафидаги кенг майдонга келтириб, бугун Гулжа аҳолисини ҳам шу ерга мажбурий йиғиб, ҳамманинг кўз олдида қўпчилигини отув билан қатл қилади. Булардан Одилбекни икки йилдан кейин-отадур. Ҳасанбекни абадий турмага ҳукм қилади. Бу мақор шу жиноятларни Анвар Жақулин деган Козок [автоном] области бошлигининг номидан қилди.

1951 йил куз ойларида Раҳмоновни ва унинг қишлоғи Қайноқдан ва ҳам Турфонйезидан бир қанча бегуноҳ одамларни Гулжада Вонг Кодир боғи (кейин Шаркий Туркистон вақтида Туг майдони бўлган ер) га бутун халқни йиғиб, қатл қилди. Атрофларини танк, пулемётлар билан ўраб туриб, Раҳмоновни отиш учун майдонга олиб келганда у баланд овоз билан: “Мен ўлсам озодлик учун майдонимда жон бераман, бу ваҳшийлар...” деб бақирганда Раҳмоновнинг соқидан тортиб оғзини ёпишга уринганида, бунга осилган жаллодларнинг юзига қа-раб туфурди. Шунинг билан бу ботирни аранг итариб бориб, майдоннинг ўртасида отиб ташлади. Аммо у халқда жуда қатта таассурот қолдирди. Бу ваҳшийлар шу майдонда Раҳмоновнинг хотини 25 ёшлиқ Саодатни, оғироёқлигига қарамай, 12 йилга ҳукм қилди. Аммо аёл ҳам мардоналарча, ўзини йўқотмай, бу ваҳшийларга тик қараб, нафрат туйғусини билдириб, мағрур турар эди. У инқилобнинг биринчи қунлариданок Хошир Воҳиднинг синглиси Ризвонгул билан ҳамширалар сафида неча йўл жангга қирган. Бунда ярадор асқарларга ёрдам бера туриб, Ризвонгул шахид бўладур. Саодат эса елкасидан яраланиб, Шаркий Туркистон ҳукумати номидан “Фидойилик медали” билан тақдирланади. Мен Саодатни отамизни излаб Оксуга борганимда қўрганман. Унинг қадаси Шоқиржон ўзбеклардан экан. Ва ҳам гулжалик савдогарлар билан алоқаси яхши бўлиб, уйда қўқучвара қилиб чиқариб турар эди. Шоқиржон ака оиласи Гулжага чиққандан кейин қизи Саодат Шаркий Туркистон инқилоби даврида Раҳмонов билан турмуш қуради.

Ана шу 1949-1950 йилларда ҳисобсиз бегуноҳ одамлар отилиб-чоғилиб йўқ бўлди. Мен эсда қолганларини ёзмақдаман. Улардан кейин полковник Абдулғафур, Собирхожиев ва

бошқаларни майдонда эмас, турмаларда отиб йўқ қилди. Гулжа ноҳияларидан Текасда Мади оқоқчи, Курбонжон, Муҳаммаднийозларни ва бошқа кўзга кўринганларни тирик қўймади. Муқиржирғолондан Дорубойоқоқчининг иниси Жонпўлатлар билан бирга бир канча яхши одамлар отилди. Кунас, Кош, Бўритоллардан ҳисобсиз одамлар отиб йўқ қилинди. Сўйдун, Қурадан Абобакри соқчи бошлиғи, Тўксунбойнинг иниси Муҳаммад хожи, Чилпанза ҳокими Махмуд хожилар - буларни ҳам сўроқсиз отиб юборди. Гулжа қишлоқларидан Жилаезидан Маъсум шонгўни, Турсун полвон болаларидан Аҳмаджон ва бошқалар, Или дарёси жанубига ўз вақтида чегара соқчилигига чиққан Манжу Кабиласининг Шибо уругидан Олтисумул ҳоким муовини Чин баҳши ва бошқа яхши одамларни отиб йўқ қилди...

Бу ваҳшийлар зўрликка суяниб, ёлгонга асосланган йўлини яна ишга солиб, шу йили Ичкари Хитой Бежиндан Мовзудуннинг ўнг қўл маслаҳатчиларидан фалонилар келди. Мақсадлари - “дил сўзлари”ни бутун халққа изҳор қилиш. Шунинг учун “уйғур, қозоқ, қирғиз клубига ҳаммани таклиф этамиз” деб, бу иблислар халқни йиғди. Борсақ, клубнинг олдинги ўринларида Халфат ҳазрат бошлиқ бутун диндорларни қамқондан чиқариб, саллаларини ўратиб, штиргизиб қўйибди. Буни қўриб бутун халқ ўзини озод бўлгандай сезд. Шунинг билан саҳнага бир-икки хитой чиқиб, ўзларининг Бежиндан келганини айтиб: бизлар бу ерларда тўғри-нотўғри ишларни текшириб, адолатқиламиз деган сўзлар билан мисоли осмондан ерга тушгандай бу ишлардан ўзларини беҳабар эканлиқларини минг бир мақр билан билдирган бўлдилар. Бу ёлгончи-виждонсизлардан бири шундай деди: “Мен келиб суриштирсам, бу ернинг халқининг 99 фоизи ислом динига итоат қилар эканлар. Шундай бўлгандан кейин булар “панислом” бўлмай, нима бўладурлар?” Бу алпозда ўзларини оқлаб, одамларнинг нафрат туйғуларини бошқаларга ағдариш учун халққа ёқадиган сўзлар билан жон қуйдириб бир соат гапириб, яна шундай деди: “Бу сўлчи гуруҳларнинг қилган ишлари бизларнинг йўлимизга тўғри келмайди, шунинг учун булар хали ҳукумат олдида жавоб берадурлар” деганда, залда ўтирганлар ўринларидан қимирлаб, бир-бирларига маънодор қарашиб, биз бечора халқ “қутқазувчиларимиз келди” дегандай эзгу умид ва яхшиликларни ўйлаб, мисоли дунёга янги келгандай, ҳурсандлик билан тарқашдик. Бу иблислар алдов соҳасида устозларидан ўтиб, ҳақиқий шайтонга айланган экан.

Мана шу вақтларда яна совет гражданилигига ёза бошлади ва ҳам чегарадан ўтиш учун ўзи йўл бериб ўтқазиб турди. Бунга қорози бўлган Хитой ҳукумати ишонтириш учун ўтқазган қурбонини тўплаб туриб, неча юз кишини қайтариб тутиб берди. Кейинроқ эса [1962 йилда] советяна бир ҳоинлик қилиб, халқларни ўз фойдаси учун намойишлар қилдириб, улар тўпланиб обкомга (Хитой компартияси вилоят қомитети (русча қисқартма)) борганда, хитойлар пулемётлардан ўққатутиб, неча минг одамни ўлдирди. Бу ўлиқларни қечаси билан беш-ўнтасини бир қилиб сим билан боғлаб, Или дарёсига ташлади. Мана шундай қатта жинойтнинг исини чиқармай, бости-бости қилди. Бу воқеа май ойида бўлган. Шунинг учун буни “29-май қожиаси” дейиладур.

Хитой қоммунистлари 1950 йилларгача отиб-қопиб, сўнгра яна халқни алдаш учун “ихтиёрингизга қўра тижорат қилинлар” деб ўзлари шароитлар яратиб, қўйиб юборди. Шундин кейин бутун халқ пул топиш учун, ҳеч нарсани ўйламай, ҳар қачонга югурди. Мана шу қараёнда қоммунистлар маққеларини қингитиб олди. Халқ қечая-қундуз демай, қумолидай ишлаб, мол тўплаб, иқтисодни бойитди. Кейин яна ёлгонни ишга солиб, уни “Учга қарши”, буни “Бешга қарши” (Идеологик қомпанияларининг оти.), деб 1953 йил халқни бир-бирига сотиб, бутун мол-дунёсини йиғиб олди. Мана шу вақтда ҳам қўп

одамлар зулм-тухматларга чидамай, ўзларини ўлдирдилар. Колганини хитой ўлдирди. Жумладан, Гулжа вилоятининг Кунаснохиясидатемирчиқадагана “Темирлик” деган конга савдогарлардан зўрлик билан бир-икки минг кишини олиб бориб, ишга солиб турганда кон босиб, хаммаси тош тагида қолиб кетди. Мана шундай воқеалар кўмир қонида ҳам, мис қонида ҳам бўлиб, бу зулм билан қанча одамлар ер тегида қолиб кетди. Темир кон босганда ҳаммага маълум бўлиб кетгандан кейин, ўзларича адолат қилиб, ҳар бир тош тагида қолганларнинг оилаларига олти юван (Юван (юань) - Хитой пул бирлиги.)дан пул берди. Бу ифлос, кўз қўриб, қулоқ эшитмаган ваҳшийликлар қилган коммунист хитойлар, бир одамни бир пул баҳолаб, Шарқий Туркистонни босиб олган.

Яна бир ғожиа: 1952 йил болаларимни операция қилдириш баҳолаши билан Танзин (Танжин) шахрига борган эдим. Ва ҳам йўл топсам, бошқа юртга-мамлакатга кетиш-ни ҳам ният қилиб юрганман. Чунки совет консули қардан эмассан деб, ҳар қил баҳолаш билан менга йўл бермай турган. Шундай қилиб, қасал қаратиб Танзинда бир йилдан кўпроқ туриб қолдим. Ўшанда юртдошлар билан бир жойда ўтирсак, Азиз қори деган юртдошимиз қўлида “Шинжон газетаси” билан қелиб: “Мана бу газетани ўзган мақолага қулоқ қолдинглар, буни Сайфиқдин (Ўша вақтларда маҳаллий коммунистларнинг қўғирчоқ раҳбари Сайфиқдин Азизий.) деган қўй ўзибди”, деб ўқий бошлади. Шундоқки, “Шинжон халқи ассимиляция бўлиб кетадур деб, ўзларича қайғуриб юрган баъзи бир бузуқ унсурлар бор. Ассимиляция бўлса нима бўпти? Марксизмда миллат деган нарсани йўқ. Бу тўғрида Ленин, Сталин бундай деган, Моңуши (Мао - ред.) ҳам андоқ деган” қабил сўзлар билан бутун бир газетани тўлдириб ўзибдур. Шунда юртдошлар буни юқоридан буйруқ қилиб ўздирган деса, баъзилари эсани йўқ, ўз мансабини сақлаб қолиш учун бу ватан қоини ўзи ташаббус қилиб ўзган деб, қўп қайғулар билан тарқашдик. Илғари Хитойга хизмат қилган қоинларга “вонг” деган мансаб бериб, уларни ишга қолган. Бу имонсизларга нима берсан берсун, қарибир лаънат бўлсун! Улар “Ватанни суймақ имондандур” деган муқорак ҳадис шарифга тесқари бўлганлари учун “имонсизларнинг бошлиқи” деган ном билан қелажак авлодлар эсидан жой олди.

Видонсизда инсоний бир туйғу бўлмас,
Бундайларда ватан, миллат ҳисси бўлмас,
Душманларга бундан ортиқ ёрдам бўлмас.
Ватан учун қўрқинч қало - имонсизлар.

Советлар отамизни 1946 йил 13-июнда алдаб олиб қилиб, йўқ қилмоқчи эди. Аммо буни Тангри Таъоло хоҳламади. Шундоқки, совет консули отамиз олиб қочилганларидан кейин бош қотиб Абдурауф маҳсум ва Муҳаммаджон маҳсумларга “Энди Алихон йўқ бўлди. Қолганларинг қиёсатга қаранглар дегандай қилиб уқтирадур. Абдурауф маҳсум менга бу сўзнинг учини қиларган эди, аммо ундай бўлмади. Чунки, Олтойдан қилқан янги ҳаракат отамизга бўлган муносабатни ўзгартириб, уларни сақлашга мажбур қолган. СССРга қет элдан сургунга қелтирилган қиёсий раҳбарларнинг турадиган жойи - Тошқент шахрининг қетидаги Дўрмон боғида назарбанд қилиб, “Эрондан қелган арбоб” деб ва шу қабил сўзлар тарқатиб, атрофга соқчи асқарлар қўйиб, ҳеч қимни яқинлаштирмай сақлаб турган. Шундай бўлсан ҳам, Ўзбекистон ҚБсига ишонмай, Москвадан Учеватқин деган маҳсус муҳтор вақил қелиб, Ўзбекистон Марқазий Қомитетига қелиб ўрнаб, мана шу шахс орқали Москва назорат қилиб турган.

“Ва макару ва макаруллох, валлоху хайрул мокирин”,
Хар не дерса бўлгусидир, ул Кодирул-кодирин.
Хеч унутма, хакни билган, хак йўлининг рахбари,
Бил Мухаммад Мустофодур, оламларнинг сарвари.

Алихонтўра Соғунийнинг
"Туркистон кайгуси" китобидан